

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси “Ўздавнефтгазинспекция” ҳудудий бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган профилактика ишларининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида

Н И З О М

Ушбу Низом 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги (ПФ-3619-сон) Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 328-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси “Ўздавнефтгазинспекция” (кейинги матнларда – “Ўздавнефтгазинспекция” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги Низом асосида ишлаб чиқилиб, марказий ва ҳудудий бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган профилактика ишларининг самарадорлигини баҳолаш тартибини белгилайди.

Тадбиркорлик субъектларида амалдаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тушунтириш ҳамда ушбу субъектлар томонидан нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талаблари бузилишини олдини олиш, улар фаолиятидаги камчиликларни текширишгача бартараф этилишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишлари Инспекция ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ташкил этиладиган “Очиқ эшиклар куни”, семинар, ва бошқа тадбирлар орқали ёки “Ишонч телефонлари”, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш орқали ўтказилиши мумкин.

Профилактика ишлари билан биринчи навбатда фаолиятини янгидан бошлаган ёки фаолияти давомида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйиш эҳтимоли бор бўлган, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича камчилик аниқланган, **тадбиркорлик субъектларида нефть маҳсулотлари ва табиий газни тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар режасини** бажарилиши таъминламаётган субъектларида ўтказилиши лозим.

“Ўздавнефтгазинспекция” марказий ва ҳудудий бўлимлари томонидан ўтказиладиган профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳамда уларнинг самарадорлиги қуйидаги тартибда баҳоланади:

I. Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши.

II. Профилактика ишларини самарадорлиги.

I. Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича.

1. Инспекциянинг ҳудудий бўлимлари томонидан, тадбиркорлик субъектлари фаолияти нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ тадбиркорлик субъектлари (назорат остига олинган ва олинмаган субъектлар) билан тушунтириш ишларини ўтказиш.

-Хисобот даврида, ҳудудда жойлашган, Инспекция ҳудудий бўлимлари назорати остига олинган тадбиркорлик субъектларининг сонига нисбатан, 10 фоиздан ортиқ субъектлар қамраб олинган бўлса – 5 балл;

- йил давомида, ҳудудда жойлашган, Инспекция ҳудудий бўлимлари назорати остига олинган тадбиркорлик субъектларининг сонига нисбатан, 5 фоиздан 10 фоизгача субъектлар қамраб олинган бўлса – 3 балл;

- йил давомида, ҳудудда жойлашган, Инспекция ҳудудий бўлимлари назорати остига олинган тадбиркорлик субъектларининг сонига нисбатан, 5 фоиздан кам субъектлар қамраб олинган бўлса – 1 балл.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги Низомга асосан, Инспекция ваколатига

кирувчи вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар сони:

- ҳисобот даврида телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони, жами бўлиб 3 тани ташкил этган бўлса –5 балл;
- ҳисобот даврида телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони, жами бўлиб 2 тани ташкил этган бўлса –3 балл;
- ҳисобот даврида телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони, жами бўлиб 1 тани ташкил этган бўлса –1 балл.

3. “Очиқ эшиклар куни” тадбирларини ташкил этиш орқали профилактика ишларини ўтказиш:

- ҳисобот даврида, бўлимларда ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни” орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 70 фоиздан кўпи ечимини топган бўлса – 5 балл;
- ҳисобот даврида, бўлимларда ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни” орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 35 фоиздан 70 фоизгача ечимини топган бўлса – 3 балл;
- ҳисобот даврида, бўлимларда “Очиқ эшиклар куни” орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 35 фоизгача ечимини топган бўлса – 1 балл.

4. Тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинар, тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари ташкил этилиши орқали профилактика ишларини ўтказилиши:

- ҳисобот даврида ўтказилган семинарлар сони 3 тадан ортиқни ташкил этилиб, ҳар бир семинарда ўртача 50 тадан ортиқ тадбиркорлик субъектлари вакиллари жалб этилган бўлса – 5 балл;
- ҳисобот даврида ўтказилган семинарлар сони 1 тадан 3 тагачани ташкил этилиб, ҳар бир семинарда ўртача 20 тадан 50 тагача тадбиркорлик субъектлари вакиллари жалб этилган бўлса – 3 балл;
- ҳисобот даврида ўтказилган семинарлар сони 1 тани ташкил этилиб, ҳар бир семинарда ўртача 20 тадан кам тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган бўлса – 1 балл.

5. Ташкил этилган тушунтириш ишлари ва семинарларда иштирок этган тадбиркорлар (вакиллари)га, Инспекцияда ишлаб чиқилган қўлланмаларнинг тарқатилиши орқали профилактика ишларини ўтказиш:

- ҳисобот даврида, тушунтириш ишлари ва семинарларда иштирок этган тадбиркорларнинг 75 фоиздан ортиқ қисмига Инспекцияда ишлаб чиқилган қўлланмалар тарқатилган бўлса – 5 балл;
- ҳисобот даврида, тушунтириш ишлари ва семинарларда иштирок этган тадбиркорларнинг 50 фоиздан 75 фоизгача қисмига Инспекцияда ишлаб чиқилган қўлланмалар тарқатилган бўлса – 3 балл;
- ҳисобот даврида, тушунтириш ишлари ва семинарларда иштирок этган тадбиркорларнинг 50 фоизгача қисмига Инспекцияда ишлаб чиқилган қўлланмалар тарқатилган бўлса – 1 балл.

II. Профилактика ишларини самарадорлиги.

6. Тадбиркорлик субъектларига ўтказилган режали текширишларда натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги 328-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш Давлат инспекцияси Низомининг III-қисми 9-бандига мувофиқ аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан “бажарилиши мажбурий бўлган” кўрсатмада белгиланган муддатда бартараф этилиши (Назорат тартибдаги текширишларда).

Режали текширишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш даражаси:

- ҳисобот даврида, режали текширишларда нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, нефть маҳсулотлари ва газ сотиш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузилиши аниқланган тадбиркорлик субъектлари сонига нисбатан камчиликларни бартараф этиш даражаси 81 фоиз ва ундан юқори бўлса -5 балл;
- тадбиркорлик субъектлари сонига нисбатан камчиликларни бартараф этиш даражаси 50-80 фоизгача бўлса -3 балл;
- тадбиркорлик субъектлари сонига нисбатан камчиликларни бартараф этиш даражаси 50 фоиздан кам бўлса -1 балл;

Изоҳ; Ҳисобот даврида тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалардаги камчиликларни бажарилмаслик даражаси 5 фоиздан ошмаган бўлса, бартараф этилиши даражасидан катъий назар 5 балл билан баҳоланади.

7. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режали , режадан ташқари, жиноят иши доирасида текширишлар натижалари бўйича уларнинг тугатилиши даражасига олиб келмаслиги.

Охирги бир йил давомида текширишлар ўтказилган тадбиркорлик субъектларидан.

- тугатилган тадбиркорлик субъектлари бўлмаса-5 балл
- 2 тагача тадбиркорлик субъектлари тугатилган бўлса -3 балл
- 3 та ва ундан ортиқ субъектлар тугатилган бўлса- 0 балл.

8. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режадан ташқари текширишлар сонини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши.

- Режадан ташқари текширишлар сони камайган бўлса-5 балл
- Режадан ташқари текширишлар сони ўзгармаган бўлса-3 балл.
- Режадан ташқари текширишлар сони ишган бўлса-0 балл

9. Тадбиркорлик субъектлари томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатлари камайишига эришиш:

профилактика ишлари ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган бўлса – 5 балл;

профилактика ишлари ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан кўпга камайган бўлса – 3 балл;

профилактика ишлари ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектларда ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган бўлса – 1 балл.

10. Инспекция ҳудудий бўлимлари томонидан ҳисобот даврида нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда белгиланган талабларга жавоб бермаслик ҳолатлари учун “Автомобилларга ёқилғи қуйиш ва мой алмаштириш шохобчалари”даги технологик ускуналарни вақтинчалик тўхтатилганлар ва “Лицензиялаш комиссияси”га тўхтатиб туриш тўғрисида берилган тақлифлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши даражаси.

- | | |
|--|-----------------|
| ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган | бўлса – 5 балл; |
| ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан кўпга камайган | бўлса – 3 балл; |
| ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган | бўлса – 1 балл. |

III. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида “Ўздавнефтьгазинспекция” марказий ва ҳудудий бўлимлари фаолиятини баҳолаш.

Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида Инспекциянинг ҳудудий бўлимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари ҳар чорак якуни билан умумлаштириш йўли билан Инспекциянинг кенгайтирилган Техник Кенгаш йиғилишида муҳокама этилади. якуни билан баҳолашиб борилади.

Мазкур Низомга мувофиқ қайд этилган кўрсаткичлар асосида марказий ва ҳудудий бўлимлар томонидан фаолияти баҳолашиб борилади.,

Техник Кенгаш йиғилиши қарори билан, баҳолаш натижаларига кўра энг паст кўрсаткичларни қайд этган ҳудудий бўлим бош технологи ва бўлимнинг йўналишлар бўйича масъул ходимларга нисбатан тегишли интизомий чоралар белгиланиши ҳамда энг юқори баҳо олган ҳудудий бўлим бош технологи ва бўлимнинг йўналишлар бўйича масъул ходимлари рағбатлантирилишлари мумкин.

“Ўздавнефтьгазинспекция” бошлиғи

Л.Акбарходжаев

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

201__ “__” _____

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий вазирлиги

201__ “__” _____